МУСТАҚИЛЛИК ЗАРВАРАҚЛАРИ

15-17 октябрь
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасида сафарда бўлди.
1992 йил

28 октябрь
Ўзбекистон Республикаси Президенти Франция Республикасига расмий ташриф билан борди.
1993 йил

6 декабрь
Мамлакат Президенти Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Будапештда бўлиб ўтган конференциясида нутқ сўзлади.
1994 йил

3 октябрь
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тантанали равишда очилди.
24 октябрь
Ислом Каримов БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида нутқ сўзлади.
1995 йил

5 июнь
Ўзбекистон Республикаси Президенти Руминияга расмий ташриф билан борди.
1996 йил

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 20 август, сешанба № 107 (22.028).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлаштириш, акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантириш, гўшт-сут саноатида иқтисодий ислоҳотларни, хусусийлаштириш ва акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзгўштсутсаноат» Ўзбекистон давлат — акционерлик уюшмаси таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатига ва унинг ижро этувчи аппарати таркибига розилик берилсин.

Миントақалардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш гўштни қайта ишловчи бош корхоналарга юклансин.

2. Гўшт-сут саноати корхоналарини хусусийлаштириш ва акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш дастури маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

акциялар давлат пакетини акционерлик жамиятларининг асосий фондларини қайта ҳисоблашни ҳисобга олиб уларнинг номинал қиймати бўйича «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг устав фондини шакллантириш учун тўла хўжалик юритишга берсин. Белгилаб қўйилсинки, акцияларнинг уюшма устав фондига ўтказилган улуши уюшма томонидан беш йил мобайнида мутаносиб улушларда сотиб олинади;

«Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмасига унинг ўз акцияларини эмиссия проспектлари томонидан белгиланган муддатларда юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари ўртасида тарқатиш ва сотиш бўйича ёрдам кўрсатсин. Назарда тутилган акцияларнинг сотилишидан тушадиган маблағларнинг бир қисми айланма маблағларни тўлдиришга ва уюшма корхоналарини техник қайта жиҳозлашга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси билан биргаликда:

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси акционерлик жамиятлари акцияларини сотиш прогнозини бажаришни таъминласин. Шу мақсадда эмиссиянинг илгари белгиланган тартибини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар ҳисобига янги акциялар чиқариш таъминлансин;

корхоналар ва ташкилотларни шахсий мулкка айлантириш (сотиш)ни таъминласин.

5. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш, юқори самарали асбоб-ускуналарни қўллаган ҳолда тармоқнинг қайта ишловчи корхоналарини реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

«Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта-банк»ка реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси корхоналарига миллий валютада узоқ муддатли кредит ажратишни назарда тутиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига лойиҳаларнинг самарадорлигини ва ҳаражатни қоплай олишини тасдиқловчи экспертизалар асосида уюшма корхоналарига ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада кредит ажратиш;

хорижий инвестициялар бўйича агентликка ва «Узинвестлойиҳа» компаниясига хорижий фирмалар ўртасида «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси объектларини реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кенг реклама қилиш фаолиятини авж олдириш тавсия этилсин.

6. 1996 йилнинг II ярим йиллигида ва 1997 йилда «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси тизимида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий параметрлари маъқуллансин.

7. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг чорвачилик хўжаликларини ва қайта ишловчи корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг чорвачилик хўжаликлари, чорва озуқаси етиштиришни кўпайтириш вазифаларини бажариш учун ер ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини хўжаликлар ихтиёрида қолдириб, уларни давлатга сотишдан озод қилинсин;

уюшманинг чорвачилик хўжаликлари ёнилги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўруғликлар ва суғориш сувлари билан таъминлаш шароитлари бўйича пахтачилик ва ғаллачилик хўжаликларига тенглаштирилсин;

белгиланганки, уюшмага шрот ва шелуха сотиш прейскурант нархлар бўйича амалга оширилади. Уюшмага чорвачилик хўжаликларига, аҳолига ва бошқа истеъмолчиларга шрот ва шелухани улар томонидан уюшманинг қайта ишловчи корхоналарига тирик мол ва сут сотиш ҳажмларига мутаносиб равишда эркин нархлар бўйича сотиш ҳуқуқи берилсин. Белгиланганки, шрот ва шелухани харид қилишнинг прейскурант нархи билан сотишнинг эркин нархи ўртасида пайдо бўладиган маблағлар фарқи «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

Тижорат банкларига:

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналари ва хўжаликларидан кредитлардан фойдаланганлик учун қўшилган 57,4 млн. сўм миқдоридаги фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва банк ссудалари бўйича 111,7 млн. сўм миқдоридаги муддати ўтказиб юборилган ва илгари тўлов муддати кечиктирилган қарзларни тўлашни, уларга фоизлар қўшмасдан, 2000 йилгача кечиктириш;

контрактация шартномаларига мувофиқ «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси корхоналарига чорва моллари ва сут топшираётган чорвачилик, паррандачилик, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа хўжаликларга имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

8. Молия вазирлиги «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда сут заводлари томонидан болалар овқати ишлаб чиқаришга доир харажатларнинг бир қисми учун пул ёрдами бериш имконияти тўғрисидаги таклифни кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари чорвачилик хўжаликларига ажратилган ерлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланишга, ерларнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун ажратилишига йўл қўймасинлар;

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати («Ўзгўштсутсаноат») давлат-акционерлик уюшмасини бошқаришни такомиллаштириш ва унинг фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 18 январдаги 30-сон қарорининг 1,3,4, 7 ва 10-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари М. Усмонов ва В. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 19 август.

Хушхабарлар

АМИР, ТЕМУР ВА ИСЛОМБЕК

Истиқлол байрами арафасида Беруний туманидаги Қиётобод деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида қувончли воқеа юз берди. Саъдулла Ражабов билан Дилором Турсунбоевалар хонадонида бир йўла уч фарзанд дунёга келди. «Учала ўғил болага яхши ният билан Амир, Темур ва Исломбек, деб исм қўйдик», — дейди туман фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими мудири Дилором Мадиёрова. Эгизаклар шифокорлар назоратида. Ҳозирча улар уч ойлик бўлишди

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНАЧА «ҲАВАС»

Фарғонадаги «Истиқлол» теннис ўйингоҳи икки кун мобайнида ғавжумлашиб турди. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари ҳамда турли идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари «Ҳавас» теннис мусобақасида ўзаро баҳслашдилар. Қизиқарли мусобақада вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Ҳайдаров, вилоят молия бошқармасининг бошлиғи А. Ҳидоятов, Қиргули тумани ҳокими В. Белоногов, Қиргули тумани ҳокими муовини З. Ҳотамовлар совринли ўринларни эгаллашди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Истиқлол тенгдоши.

В. ПАНОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси корхоналарида хўжалик юритишнинг бозор механизмлари суст жорий этилмоқда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг кўплаб муҳим масалалари ҳал этилмаяпти, ҳайдовчилар таркибини ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш тизими етарли даражада амалга оширилмаяпти.

Уюшма (Р. Ҳикматуллаев), автопарклар, трамвай ва троллейбус деполари раҳбарлари корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, тегишли инфраструктурани ва тузатиш базасини, шу жумладан ҳорижий сармояни жалб этган ҳолда, яратиш учун зарур чора-тадбирлар кўрмаяптилар. Ҳаракатдаги составнинг техник ҳолати ёмонлашмоқда, автобуслар, трамвай ва троллейбусларнинг қатнов жадваллари тез-тез бузилмоқда, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш вазиятлари пастлигича қолмоқда.

Ўтказилган текширишларда йўналишларда чипта берилмаслиги, нақд пулларнинг ҳайдовчилар томонидан ўзлаштирилиши, олинган тушумнинг бир қисми ўз вақтида топширилмаслиги ҳоллари кўплаб аниқланди. Идораларга қарашли ва хусусий транспорт билан йўловчилар ташиш кутилган самарани бермаяпти. Шаҳар транспортида ҳақиқий бўлмаган гувоҳномалар ва ойлик карточкалар билан юриш, шунингдек, транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардан бунга ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг ғайриқонуний фойдаланиши ҳоллари кўплаб қайд этилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, шаҳар йўловчи ташиш транспортида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарияти (Р. Ҳикматуллаев) республика Ҳукумати қарорларининг таркибий бўлинмаларни бошқаришни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги шаклларини жорий этиш, корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш ва аҳолига узлуксиз транспорт хизмати кўрсатиш даражасини оширишга оид талаблари ҳамда ўз қарорлари тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминламади.

Вазирлар Маҳкамасининг Транспорт ва алоқа мажмуи (К. Раҳимов) ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Р. Файзуллаев) давлат уюшмасига юклатилган вазифаларни ҳал этиш, шаҳар транспортининг барча турлари билан йўловчилар ташиш масалаларини мувофиқлаштириш ва топширилган иш соҳаси учун раҳбарларнинг масъулиятини оширишга доир фаолияти устидан лозим даражадаги назоратни таъминламадилар.

Тошкент шаҳар ҳокими (К. Тўлаганов) ва «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ҳаракатдаги составнинг, йўл ва энергетика хўжалигининг техник ҳолатини яхшилаш, зарур инфраструктурани ривожлантириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш, нақд пул тушумини топшириш масалаларида зарур тартиб ўрнатиш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

2. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бошқарувининг ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг кўрсатиб ўтилган уюшмани Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгиланганки, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бошқаруви раиси лавозимига кўра Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва тегишли идоралар бюджетга ва белгиланган прогнозларга зарур тузатишлар киритсинлар.

3. Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмаси тузилмаси ҳамда унинг ижро этувчи дирекцияси тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Уюшманинг ижро этувчи дирекцияси ходимларининг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 102 нафардан иборат бўлишига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 1996—1997 йилларда 3-иловага мувофиқ «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси корхоналарини келгусида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширсин, уюшма олган маблағларни шаҳар йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришга йўналтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси таркибига кирган корхоналар акциялари (улушлари, пайлари)нинг давлатга тегишли пакетларини белгиланган тартибда бошқариш ҳуқуқини «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, йўловчилар ташувчи барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ягона чипта тизими мажбурий қўлланилишини жорий этсин;

икки ой муддатда тасарруфидаги жамоат транспортининг ҳаракатдаги составини кондукторлар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда йўлкира чипталарини тайёрлаш масалаларини ҳал этсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гознак» бирлашмаси «Ўзавтотранс» корпорацияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг буюртманомасига биноан ойлик йўлкира карточкалари тайёрлашни таъминласин;

«Ўзавтотранс» корпорацияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги белгиланган тартибда бир ой муддатда нақд пул тушуми қабул қилиб олинадиган барча пунктларни назорат — касса аппаратлари билан жиҳозласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур ишни амалга оширишда йўловчилар ташиш транспорти корхоналарига кўмаклашсинлар.

7. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси давлат уюшмаси таркибига кирмайдиган юридик ва жисмоний шахслар автотранспортини тегишли йўналишлар бўйича йўловчилар ташишга шартнома асосида жалб этсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ҳафта муддатда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг томонларнинг ўзаро мажбуриятларини, олинган тушумдан фойдаланиш, ҳайдовчилар ва кондукторларни моддий рағбатлантириш тартибини назарда тутувчи намунавий контракти шаклини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Шаҳар жамоат транспортидан имтиёзли фойдаланишни тартибга солиш мақсадида:

1996 йил 1 сентябрдан бошлаб республика Ҳукумати қарорлари билан фуқароларнинг алоҳида тоифаларига шаҳар жамоат транспортида текин юриш бўйича берилган барча имтиёзлар 4-иловага мувофиқ бекор қилинсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан шаҳар йўловчилар ташиш транспортида йўл ҳақи тўлаш бўйича имтиёзга эга бўлган шахслар тоифалари рўйхатини, мазкур тоифаларни қисқартиришни назарда тутган ҳолда, кўриб чиқиш илтимос қилинсин.

9. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, «Ўзавтотранс» корпорацияси ва Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги шаҳар йўловчилар ташиш транспортида (таксидан ташқари) текин юриш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (гувоҳнома)нинг ягона шаклини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий этсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гознак» бирлашмаси бир ой муддатда «Ўзавтотранс» корпорацияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги буюртманомасига биноан мазкур гувоҳномалар бланкларининг тайёрланишини таъминласин.

10. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг ходимларнинг кўрсатилган тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдорларини кўрсатилган хизматлар учун тушувчи маблағлар бирлиги нормативлари бўйича белгиланишини назарда тутувчи «Коммунал хизмат кўрсатиш ва йўловчилар ташиш транспорти корхоналари маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисида» 1995 йил 15 июндаги 222-сон қарорининг бажарилишини мунтазам ўрганиб боришни ва назорат қилишни таъминласин.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси томонидан лавозим вазифаларини виждонан бажармаганлик, транспорт воситаларини шикастлаганлик, ёнилги-мойлаш материалларидан фойдаланишни бузганлик учун тармоқ корхоналари ходимларининг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тизими ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлиги, унда айбдорларга нисбатан жарима санкциялари белгилаш ва улардан етказилган моддий зарарни ундириб олиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгиланганки, нақд тушум яшириклари, шунингдек, пул маблағларини вақтида инкассация қилинмаган ҳолларда шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари ҳайдовчилари, кондукторлари ва мансабдор шахслари энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима тўлайдилар. Қоида бузиш такрорланган тақдирда материаллар тергов органларига берилади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, «Ўзавтотранс» корпорацияси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда кўрсатиб ўтилган санкцияларни қўллаш тартибини ишлаб чиқсинлар ҳамда шу йил 1 октябрдан бошлаб жорий этсинлар.

11. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ходимлари учун даромадлар режаси бажарилганлиги, ёнилги-мойлаш материалларини тежалганлиги, класси, белгиланган хизмат муддати ва шу кабилар учун иш ҳақига устамалар ва бошқа тўловлар белгиланган.

Тошкент шаҳар йўловчи транспорти (метро, автобуслар, микроавтобуслар, трамвайлар, троллейбуслар) ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1996 йил 1 сентябрдан бошлаб ходимларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари иш ҳақи Ягона тариф сеткасининг бошланғич разрядини 600 сўмгача ошириш ва 5-иловага мувофиқ миқдорларда белгиланган хизмат муддати учун ойлик устамалар тўлашни жорий этиш ҳисобига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг базавий даражасига тегишли тузатиш киритган ҳолда, ўртача 2,0 баравар оширилсин.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси шаҳар йўловчи транспорти корхоналари ходимларининг иш ҳақи базавий даражасига кейинчалик ўзгартириш киритишни, бюджет муассасалари ва ташкилотлари учун Ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қарорларга мувофиқ амалга оширишга рухсат берилсин;

умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар транспорти ҳайдовчиларига фуқароларга даромад солиғи солишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган имтиёзли тартиби белгиланган, бунда даромадларга солиқ солиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатлар корхоналарнинг ўз даромад манбалари, нақд тушумнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назоратни кучайтириш ҳисобига амалга оширилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, «Ўзавтотранс» корпорацияси ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан зарур материаллар тақдим этилишига кўра республиканинг шаҳар йўловчилар ташиш транспорти кондукторларига шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ҳайдовчилари учун белгиланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини жорий этсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1996 йил охиригача «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига 965,1 млн. сўм, шу жумладан:

565,1 млн. сўм 6-иловага мувофиқ ҳаракатдаги составни сотиб олиш учун;

400 млн. сўм 65 та «Мерседес-Бенц» автобуси сотиб олишга аванс тўловини амалга ошириш ҳамда илгари олинган автобуслар учун хорижий кредитларни йил охиригача тўлаш учун ажратсин.

Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳар йили ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар назарда тутилсин.

14. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг ҳаракатдаги состави учун хизмат кўрсатиш бўйича тузатиш базасини ташкил этиш ва янада ривожлантириш мақсадида:

«Мерседес-Бенц» автобусларига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни тузатиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тезлаштирилсин;

«Тролза-Авиаз» қўшма корхонасида троллейбусларни тузатиш ва йиғиш бўйича ишлар ҳажмлари кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўн кун муддатда:

эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, тортув кучи берадиган кичик станцияларни, контакт ва кабел тармоқларини, трамвай йўлларини асосли тузатиш ва реконструкциялаш, шунингдек, вагон тузатиш заводини реконструкциялашни тугаллаш учун маблағлар ажратиш тўғрисидаги;

йўловчилар ташишдан қурилган зарарларни қоплаш учун 1995—1996 йилларда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига ажратилган бюджет ссудаларини тўлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқсинлар.

15. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ҳамда унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар раҳбариятини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасининг, Давлат мулки қўмитасининг, Молия вазирлигининг, Адлия вазирлигининг масъул ходимлари иштирокида икки ой муддатда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси корхоналари раҳбар ходимларини ва ўрта бўғин мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзавтотранс» корпорацияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Молия вазирлиги икки ой муддатда «Шаҳар йўловчилар ташиш транспорти тўғрисида» Қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмаси («Тошшаҳарйўловчитранс») фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 5 июндаги 266-сон қарори биринчи бандининг биринчи хат боши ва учинчи бандининг биринчи хат бошидаги иккинчи жумла ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари К. Раҳимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 19 август.

ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Урганчда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари, улардаги шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши ўтди. У партия Марказий Кенгаши Котибияти қарорига биноан ўтказилган ана шундай тадбирларнинг сўнгги — тўртинчиси бўлди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалоловнинг «Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги маърузасини тингладилар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Навоий ва Хоразм вилоятлар кенгашлари биринчи котиблари: А. Асанов, Д. Воҳидов, Ғ. Машарипов, Бухоро вилоят кенгаши иккинчи котиби С. Болтаев ва бошқалар партиямиз ташкилотлари фаолияти таъсирчанлигини ошириш, парламентчилик ишини такомиллаштириш, оммавий-сиёсий тадбирлар самарадорлигини кучайтириш сингари долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва истакларни ўртага ташладилар.

Партия кенгашларининг етакчилари Урганч ёғ-экстракция заводи, Хева туманидаги Р. Мадаминов номли жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилотлари фаолияти билан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинар-кенгашда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Т. Досчанов нутқ сўзлади. Унинг ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Тарих ва шахс

Шу йилнинг 7 август куни, Москвада, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида, мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг, «Палея» халқаро нашриёти томонидан, «ХХ аср халқ доҳийлари» туркумида чоп этилган, «Барқарорлик ва ислоҳотлар» номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур нашриёт директори Н. Мишиннинг, ушбу китобга муқаддима тарзида, «Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти», деб аталган, моҳият-эътибори билан, юртбошимиз портретига битган чизгилари матбуотимиз саҳифаларида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди. Ўзбекистон Президентининг машҳур нутқ ва маърузалари китобдан ўрин олган.

Бу — мустақил Ватанимиз тарихининг дастлабки 5 йили мобайнида, 1991 йилнинг кузидан эътиборан, танланган йўл доирасида, амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, давлатимиз раҳбарининг мазкур йўналишдаги саъй ҳаракатларининг ўзига хос эътирофидир.

Шу муносабат билан мухбиримиз ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

Савол: — Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг янги китобини юқоридаги номда нашр этилишини, ушбу туркумнинг — «ХХ аср халқ доҳийлари», деган номидан келиб чиққан ҳолда, қандай шарҳлаган бўлардингиз?

Жавоб: — Мен мазкур, мамлакатимиз мустақиллигининг 5 йиллиги арафасида рўй берган, жиддий воқеани халқимиз ўз йўлбошчиси— Президент И. А. Каримов раҳнамолигида, миллий истиқлолимизни мустаҳкамлаш борасида, собитқадамлик билан олиб бораётган саъй ҳаракатларнинг кенг миқёсдаги муносиб эътирофи, деб ҳисоблайман.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихга эга ижтимоий-фалсафий, сиёсий фикри шундан яққол далолат берадики, жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳақидаги масала, ҳамиша, донолар фикри-ёдининг диққат марказида бўлиб келган. Бировлар тарихни шоҳлар, давлат арбоблари, саркардалар, машҳур шахслар яратадилар, дейишган бўлса, бошқалар— унинг бунёдкорини халқ оммасидагина кўрганлар. Аслида эса, кўп ҳолатлардаги каби, бу ерда ҳам, ҳақиқат оралиқдадир. Яъни, тарихни, ҳамиша, ўз манфаатларининг ёрқин ифодачиларини сиёсий кураш майдонига чиқара билган, уларни ҳимоя қила билган, уларга таянч бўлиш қўлидан келган халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳларгина яратганлар ва улар ўзларининг кўзлаган мақсадларига эришганлар.

Ёш, навқирон мустақил Ўзбекистоннинг 5 йиллик тарихи ҳам мазкур ҳаётий ҳақиқатни тўлалиғича исботлаб турибди. «Барқарорлик ва ислоҳотлар» номи билан, Москвадаги «Палея» халқаро нашриёти томонидан, «ХХ аср халқ доҳийлари» туркумида, жаҳоннинг 80 дан ортиқ машҳур давлат арбоблари асарлари қаторида, чоп этилган китоб бунинг ёрқин далилларидан биридир. Мазкур нашр айнан И. А. Каримовга, унинг машҳур нутқ ва маърузаларига бағишланган.

Юртбошимизнинг, 1989 йилдан эътиборан, миллионлаб кишилар кўз ўнгида юз бераётган серқирра фаолияти — унинг сиёсий йўли, асарлари, нутқлари, маърузалари, амалий саъй-ҳаракатлари «халқ — йўлбошчи» ўзаро муносабатлари тўғрисидаги ҳақиқатни исбот этиб, бунни И. А. Каримов томонидан, ниҳоятда моҳирона тарзда, ҳисобга олинаётганлигини кўрсатиб турибди.

Савол: — Сиз бу билан нималарни назарда тутмоқдасиз? Фикрингизни аниқроқ ифодалашингиз мумкинми?

Жавоб: — Бажонидил. Маълумки, «Ҳадиси Шариф»да: «Одамларни ўз ўрнига қўйинглар». «Ўзларинг қанақа бўлсаларинг, шунақа одамлар сизларга бошлиқ қилинади», деган фикрлар баён этилган.

Ушбу маънода И. А. Каримовнинг, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари лавозимига келиши мазкур қоидалардан истиено тариқасида рўй бермади.

1989 йилдаги Фарғона ва унинг акс садоси билан боғлиқ воқеалар ўз умрини яшаб бўлаётган шўролар истибдодий тузумининг талвасасидан дарак бўлиб, кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишдаги «номенклатуравий» ёндашувни, муайян даражада, чиппакка чиқариб қўйдилар. Бундан саросимага тушган «Марказ», албатта, ўз умрини узайтириш мақсадида, кадрлар сиёсатида жойларга эркинлик бераётгандай бўлиб кўринишни «маъқул» топди... Натижада, 1989 йилнинг июнида, республикамиз биринчи раҳбарлигига, яъни ҳокимият тепасига, келиш «табиий танлов» тариқасида юз берди.

Ўша оловли damларда юртимизга ўз зиммасига оғир, масъулиятли юкни олишга тайёр ҳамда бунга лойиқ раҳбар зарур эди ва у топилди. Бу «табиий танлов»нинг нақадар тўғри бўлганлигини кейинчалик содир бўлган барча воқеаларнинг бутун бир занжири исботлади.

Шубҳасиз, 1991 йилнинг 31 августигача ҳали анча вақт бор эди, ҳали кўплаб сувлар оқиши лозим эди. Бироқ, тўла асос билан айтиш мумкинки, бундайин истиқболнинг тамал тошларидан бири айнан 1989 йилнинг июнида қўйилганди.

И. А. Каримовнинг, ижтимоий-сиёсий зарурат сифатида, мамлакатнинг биринчи раҳбарлигига кўтарилиши унинг шахсий сифатлари билан чамбарчас боғлиқликда кўрилмоғи лозимдир. Ушбу шахсий сифатларнинг марказий ўқини — букилмас иродалилик, қатъиятлилик, ғайрат-шижоатлилик каби хислатлар билан бир қаторда, халқ дарди, унинг орзу-армонлари ила яшашлик фазилати ташкил этади. Буни, яъни халқ билан ҳамнафасликни, ўзининг, бутун онгли ҳаёти давомида, танасидан ўтказган кишигина тўла ҳис эта олиши, унга изчиллик, амалий йўналганлик бахш қила билиши мумкин.

1989 йилнинг ноябрь ойида, И. А. Каримовдан «Марказ», унинг сиёсати ҳамда мафкурасининг найрангбозлик майллари билан тўлиб-тошганлиги ҳақида, халқимиз оғирини енгил қилиш учун ҳар қандай зарур чораларни кўришга тайёр эканликларини эшитиб, қулоқларимга ишонмай, лол қолган эдим...

Ахир, 1990 йилнинг март ойида Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг таъсис этилиши, унга И. А. Каримовнинг сайланиши, юртимизнинг, истибдодий шўролар тузумини чоқчокидан сўкилиб кетишига олиб келган, дастлабки мардонавор қадами эмасмиди?!

Ёки ўша пайтда, эндиликда, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун кураш олиб боришга азму қарор қилинганлигининг давлат ҳаётининг асосий соҳаларига оид барча расмий ҳужжатларда ўз ифодасида топганлигичи?

1990 йилда, республика Олий Кенгаши сессияси мажлисларидан бирида, И. А. Каримов кўплаб муаммоларнинг ҳал этилмаётганлигини айни ва фақат мустақил эмаслигимиз билан боғлаганда, халқ депутатлари унинг сўзларини гулдурос қарсаклар билан қаршиламаганмидилар?

Ўша йилдаги қонли Ўш воқеаларини эслайлик. Мабодо, давлат раҳбари ҳис-туйғуга берилганда, узоқни теран англаш ўрнига қаҳр-ғазабга берилса, нима бўларди?!

И. А. Каримовнинг Ўш воқеаларига нисбатан доно сиёсати — «Жаҳли чиққанда вазминлик билан ўзини боса олган киши энг кучлидир», деган, умуминсоний мазмунга эга, шарқона, исломий қадриятнинг ҳаётий эканлигини исботламадими?

Албатта, «Қуръони Карим», «Ҳадиси Шариф»да такрор-такрор айтилган — инсонларнинг ўзаро кечиримли бўлишликлари тўғрисидаги даъватлар ҳеч ҳам, ҳеч қачон инсоний ёки сиёсий бетайинлик, лоқайдлик, бепарволикка чақириш сифатида тушунилмаслиги лозим. Зеро, кечиримлилик, бу — жасур, олижаноб кишиларнинг мардларга кўрсатадиган марҳаматлари, саховатлари, туҳфаларидир. У, асло, сотқинларни, мансабпарастларни, халқ ҳақига хиёнат этувчиларни тақдирлаш эмас.

Соҳибқирон Амир Темур таъкидлаганидек, яхши кишиларни мисқоллаб тақдирлаган ҳолда, айбдорларни ботмонлаб жазолаш зарур.

Алишер Навоий эса:

«Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир», деганлар.

И. А. Каримов фаолиятида ушбу фазилатлар ўзаро уйғунлигини, уларнинг муштараклигини кўрмаслигимиз мумкин эмас. У киши олиб бораётган сиёсат самарадорлиги сабаблари, балки, шунда ҳам бўлса, ажаб эмас.

Савол: — Юртбошимиз шахсининг, алоҳида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этаётган, у кишини халқимизнинг эътироф этилган асл раҳнамосига айланишида ҳал этувчи омил бўлиб хизмат қилаётган, яна қайси муҳим хислатларини кўрсатган бўлардингиз?

Жавоб: — Халққа чексиз ҳурмат, эътибор, содиқлик, ишонч. Айни пайтда, булар, юртбошимиз фаолиятида фақат баландпарвоз, барчага ёқимтой бўлиш учун айтилаётган, гаплардан иборат эмас. Албатта, И. А. Каримов халқни, Конституциямизда таъкидланганидек, давлат ҳокимиятининг ягона, бирдан-бир манбаи, деб билади. Ҳатто, Асосий Қонунимиз қабул қилинишидан, балким, мустақилликка эришишимиздан ҳам, анча аввалроқ, у кишининг Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида ўтган тадбирлардан бирида, халқимизга, унинг вакилларига қарата: агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, мени ҳеч ким («Марказ» назарда тутилган бўлса керак — муаллиф) ҳеч нима қила олмайди», деганлари ҳануз қулоғимда.

Шу билан бирга, айримлар тилёғламалик қилиб, халқ ҳақида ёлғон-яшиқ гапларни айтишдан тап тортмаганда, юртбошимиз, ҳар қандай қийин шароитларда ҳам, халққа, баландпарвоз, рўёбга чиқмайдиган ваъдалар беришдан ўзини тия олади, аччиқ бўлса-да, аммо, бор ҳақиқатни унинг юзига айтади. У жаҳонга машҳур алломалар, давлат арбобларини берган халқининг японлар, немислар, замонамизнинг бошқа илғор, пешқадам халқлари даражасига тезроқ кўтарилишини орзу қилади, бунинг барча — иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий чораларини кўриш йўлида алоҳида фидойилик кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта такрорлаётганидек: Ўзбекистонда ўтказилаётган туб ислоҳотларда ўз аксини топаётган сиёсат, пировард натижада, демократик ўзгартиришлар қилиш, кучли суверен, ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам негизни яратишга йўналтирилгандир. Мақсадимиз — демократия, ижтимоий адолат тамойилларига таянган фуқаролик жамиятини қуриш.

Бундан ташқари, дейди юртбошимиз, ислоҳотларимиз муваффақияти, мамлакатимизнинг яқин келажакдаги истиқболи одамларимизнинг қандай бўлишига, уларнинг қанақа маънавий-маданий ва ахлоқий қадриятларни ўзларига жо қилиб олишларига боғлиқ.

Кенг миқёслар, кўламлардаги иқтисодиётчи, молиячи новатор олим, моҳир ташкилотчи ноёб фазилатларини ўзида яхлит тарзда мужассамлаштирган давлат арбоби — И. А. Каримовда халқ руҳиятини, кайфиятини чуқур ҳис этиш, унинг ўтмишига ҳурмат билан қараш, унга ҳамиша мурожаат этиш ҳислатлари камол топган.

Ислом Абдуғаниевичдаги шошма- шошарликни ёқтирмаслик, «арқонни узун ташлаш», ҳар бир масалани икир-чикиригача, обдон ўйлаш, ўз фикрини ҳар доим исботлашга интилиш (мен бу ерда юртбошимизнинг ўз тингловчиларига қараб, «тўғрими, тўғрими», деб мурожаат қилишларини ҳам назарда тутмоқдаман), одамларнинг ички кечинмаларини, уларнинг кўзига қараб, таҳлил этиш, мансабпараст билан фидойи, қуйинчак кишиларни аниқ фарқлай олиш, алоҳида нотиқлик, педагогик истеъдод у кишини сиёсий фаолиятнинг, эътироф этмаслик мумкин бўлмайдиган, юксак поғоналарига олиб чиқди.

Ўз Ватани, халқини тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтариш орзуси билан яшаётган Президентимизнинг, баъзан куйиниб, ачиниб: қанчалик юксакликларга парвоз этмоқни истасанг, замин (шарт-шароит, иқтисодий-маданий даража) оёғингдан шунчалик тортаётганлигини ҳис этасан, деган гаплари беихтиёр хаёлингга келади.

Савол: — И. А. Каримовдаги мазкур хислатлар билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар орасидаги боғлиқликни нималарда кўрасиз?

Жавоб: — Авваламбор, мустақил мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг ўзимизга хос йўлини белгилашда, халқимизнинг мазкур йўлдан изчиллик билан қадам ташлашига раҳнамоликни моҳирона амалга оширишда.

Ушбу йўлнинг жуда кўп қирралари, хусусиятлари, йўналишлари хусусида талайгина гапириш мумкин. Бироқ, бунга бизнинг имкониятимиз йўқ. Шундай бўлса-да, унинг айрим, фикримизча, муҳим томонларига диққат-эътиборни қаратмоқчиман. Яъни, мен Сиз назарда тутаётган боғлиқликни, асосан, қуйидагиларда кўраман:

Биринчидан, жамиятнинг истибдодий тузумдан демократик тартиботлар ҳукм сураётган шароитларга ўсиб ўтишини ижтимоий ларзаларсиз юз беришини таъминлаш, одамларни мафкуравий ақидалар негизида бир-бирларига қарши қўймаслик, ижтимоий барқарорлик, фуқаролар осойишталиги, миллатлараро тотувликни олға қараб юришимизнинг алифбоси, ибтидоси, деб ҳисобланишида.

Иккинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини адолатли, демократик тузум, фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг моддий негизи сифатида эътироф қилинишида.

Учинчидан, мулкчилик шакллари хилма-хиллигини қарор топтириш, мулкни эгасига топшириш-ни одамларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш ва бошқа муҳим масалаларни ҳал этилишининг калити, деб билинишида.

Тўртинчидан, маънавиятсиз ҳеч қандай ижтимоий тараққиётнинг йўқлиги ва бўлишининг ҳам мумкин эмаслигини англашни давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилишида.

Бешинчидан, ислоҳотларнинг қонуний негизларини яратишнинг ҳаётий зарурат эканлигини чуқур ҳис этиш ва ушбу борадаги саъй-ҳаракатлар мунтазамлигини таъминланишида.

Олтинчидан, кучли ижтимоий муҳофаза сиёсатини изчил ўтказилишида.

Еттинчидан, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирларнинг кўрилишида.

Саккизинчидан, бошқа мамлакатлар учун очиқ бўлиш, жаҳон илғор тажрибасини ўрганиш сиёсатига содиқликда.

Мана шулар натижасида, бугунги Ўзбекистон — тинчлик, осойишталик мамлакати, ҳорижий давлатлар раҳбарлари, арбоблари, сиёсатшуносларнинг, экспертлари фикрича, бутун Марказий Осиёдаги барқарорлик ҳамда хавфсизликнинг муҳим омили.

И. А. Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида муваффақиятли амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат юртбошимиз номини жаҳоннинг машҳур давлат раҳбарлари қаторига, ҳақли равишда, олиб чиқди.

Савол: — Сизнингча, Президент И. А. Каримов сиёсий портретининг асосий чизгиси нимадан иборат?

Жавоб: — Менимча, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримов портретининг асосий чизгиси, бу — ўнлаб йиллар давомида бемажол гафлат уйқусидаги халқимизнинг уйғониши, миллат сифатида уюша бошлаши, унинг танасидаги мудроқ кучлар салоҳиятини ҳаётда рўёбга чиқаётганлиги, Ватанимизнинг жаҳонга юз тутиши, ўзининг минг йилликлар қаъридаги қадимий маданиятини қайтадан тиклаётганлиги, замонавий тараққиётнинг кенг йўлига чиқишга қаратилган туб ислоҳотларни изчил амалга ошира борилаётганлиги ва ҳоказолардан иборат.

Юртбошимиз сиёсий портретининг асосий чизгиси, бу — ёш мустақил давлатимизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан олиб бораётган кўпқиррали ҳамкорлик алоқалари, И. А. Каримов томонидан халқаро даражаларда, ҳорижий мамлакатлар раҳбарлари ила ўзаро мулоқотларда давлатимиз, халқимиз манфаатларини изчил ифода этиш, уларни қатъий ҳимоя қилиш ҳамдир.

И. А. Каримов, эски, истибдодий шўролар тузуми инқирозининг жасур даракчиси, халқимизнинг мустақилликка томон бурилишининг ифодачиси, унинг мазкур йўналишдаги тақдириломон ҳаракатининг раҳнамоси, янгиланаётган Ўзбекистон замонавий давлат арбоблари силсиласининг кашшофи сифатида, олижаноб сиёсий фаолият майдонига чиқди. Унинг раҳбарлигида юртимиз ўнлаб йилларга татийдиган натижалар, ютуқларни қўлга киритди.

Аммо, қилинадиган ишлар ҳозиргача амалга оширилганларидан кўпроқ, масъулиятлироқ.

Бу ўринда, «Палея» халқаро нашриёти директори Н. Мишиннинг И. А. Каримов китобига ёзган Муқаддимаси сўнггида келтирилган, сўзларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир:

«Ҳозир Ислом Каримовни ҳамма нарсадан кўпроқ нима ташвишга солмоқда? Бу саволга у очиқ жавоб берди:

«Собиқ Иттифоқ ҳудудида ҳозир вужудга келаётган вазият, кенгроқ олганда, бугунги кунда дунёдаги вазият шундайки, ҳозир ҳамма ишда ўзингни дадил ҳис қилолмайсан. Ҳамма ишлар ҳам кўнгилдагидек кечаётгани йўқ, чунки жуда кўп нарса сарфлайсан, кутган натижани эса ҳамиша ҳам ололмайсан. Шу жиҳатдан қараганда, атрофингда гўё одамлар, ёрдамчилар командаси кўпдек, аммо масъулиятни ва юкнинг бир қисмини зиммасига олиши лозим бўлган одамлар уни зиммасига олмаса, энг муҳим иш — қарор қабул қилиш, бир ечимга келиш кун сайин қийинлашаверади. Шу боисдан менда уфқлар равшанроқ, иш натижалари кўзга кўринарли бўлаяптию, нима учун муаммолар камаймаяпти, деган савол туғилади.

Биз, мен ўзим, Президент, раҳбар сифатида қаёққа бораяпмиз? Қачонгача ҳамма масъулиятни ўзингга оласан? Ғарбда кўп раҳбарлар эл қатори яшайдилар. Уларнинг аниқ иш куни мавжуд. Улар дам олиш учун табиат қўйнига боришлари, таътилга чиқишлари, ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Яъни у ерда шундай тузилма, шундай тизим вужудга келмоқдаки, у раҳбарларнинг иродасидан қатъи назар, амал қилаверади. Мен бизда ҳам шундай кун келишини орзу қиламан».

Шу сўзлар боис, хотирамга 1995 йилда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси кун тартибига кирган, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига бевосита дахлдор, ўта нозик бир масала юзасидан, парламент Кенгаши аъзолари иштирокидаги, маслаҳат пайтида юртбошимизнинг айтган гаплари келди. У кишининг фикрича, бугун, Ўзбекистонда шундай жараёнлар юз бермоқдаки, 2000 йилга келиб, улар мамлакатга кимнинг раҳбар бўлишини бугунгидай кескин аҳамиятлилигини жиддий тарзда юмшатади.

Мазкур фикр, камида, иккита нарсадан яққол далолат бериб турибди. **Биринчиси,** юртбошимизнинг мамлакатимиз, унинг эртанги кунига бўлган юксак ишончидан. **Иккинчиси,** унинг оддийлиги, шахсий камтарлигидан.

Ушбу икки нарсанинг ўзи «Барқарорлик ва ислоҳотлар» китобини чоп этган нуфузли халқаро нашриёт ишининг жиддийлигидан ҳамда, айни пайтда, мазкур асар муаллифининг бундай юксак эътирофга тамомила муносиблиги, лойиқлигидан далолат беради. Бу мутлақо шак-шубҳасиздир.

Мамлакатим байроғи — фахрим менинг!

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Турмуш сўқмоқлари

Автобусда кетаётгандик. Ёнимдаги икки ёш жуворнинг бири шеригидан.

— Қайнонанг қалай? Ўзгариш борми? — деб сўради.

Жавоб бергувчининг нима дейишини юзидаги ифодаси айтиб турарди:

— Ойим «эринг яхши-да, бўлмаса, гулдек қизимни ўша хонадонда бир кун ҳам қўймасдим», — дейдилар...

Юрагим сиқилди. Суҳбатнинг давомини эшитишни хоҳламай нари сурилдим. Хаёлимни чалғитиш учун фарзандларига ҳақиқатан ҳам меҳрибон бўлган оналар ҳақида ўйлаб кетдим.

ЭРКА ҚИЗЛАР ВА ОНАЛАР

УМРГА ЕТГУЛИК ТАНБЕҲ

Муаззамхон тўрт ўғилнинг ўртасида ўсган ёлғизгина эрка қиз эди. Дадаси янгиликка ўч бўлганидан маҳаллаларида биринчи бўлиб радиоприёмник, телевизор, кир ювиш машинаси уларнинг хонадонига келган. Вақти-соати етиб, ота-онаси Муаззамхонни ўзларига маъқул оилага келин қилиб узатишди. Тўйдан сўнг ўн кунлар ўтиб, Зуҳрабону дилидаги айрим андишаларни айтиб олмоқ учун қизиникига келди. Қисқаси-у: «қудажон, келинингизнинг билмаганларини она бўлиб ўргатиб, ўз йўлингизга соласиз-да...» — демоқчи эди.

Зуҳрабону кириб борса, ҳовлидаги ҳамма дорларга кир ювиб осилган. Қизи қозонга уннаётган экан. Кўришаётганда Муаззамхоннинг кўзи намлангандек бўлди, она буни соғинч аломатига йўйди. Бир пайт она-бола ёлғиз қолишдию, қиз қизариб, айрим жойларида пуфакчалар пайдо бўлган кафтини кўрсатиб йиғламсираб гапирди:

— Манувини қаранг, қўлларим қавариб, шилиниб кетди. Буларникида кир қўлда ювиларкан...

— Ўлмадингми? — деб жаҳл билан қизининг гапини бўлди Зуҳрабону. — Бундан сўнг менга бунақа гапларни топиб қўйма!

Ўшандан буён қарийб йигирма йил ўтди. Муаззамхоннинг қизигаям совчилар кела бошлади. Лекин бирон марта на қайнона-ю келин ва на куёв ўз қайнонаси билан бир-бирларининг иззат, ҳурмат чегарасини босиб ўтмадилар.

БЕГОНАЛИГИМ БИЛИНДИ ДЕМАСИН

Каримахон ёлғизқўллик билан ўстирган битта-ю битта қизини бағридан чиқаргиси келмади. Тоғанинг қўлида ўсган етим йигитни ичқуёв қилиб, қизини берди.

Орзу-ҳавас боисми ёки кўнгилми... ишқилиб, бешолти йил бирга яшаганларидан кейин куёв ўзи уй сотиб олди, оиласини кўчириб кетди. «Майли, йигит киши учун хотиннинг уйига бош эгиб кириб, бош эгиб чиқиш осонмас. Мана ҳар куни хабар олиб туришибди», — деб жавоб қайтарарди Каримахон ҳар хил гап-сўзларга.

Баъзида куёв дўқиллаб келиб қоларди. Қайнона унинг авзойидан уйида нимадир гап қочганини англарди-ю, дарров янги кўрпачаларни тўшаб, куёви суйганидек аччиқ мастава пиширишга тушарди. Овқат ҳали қозонда қайнаётганда куёв «ёриларди», хотинининг қай бир гапи, ишидан нолий бошларди. Шунда Каримахон: «Вой эси йўқ қиз-ёй, шунақа қилдими, шунақа дедими? Нотўғри айтибди-да! Сиз ақлли боламсиз-ку, хафа бўлманг...» қабилидаги гаплар билан куёвни «совутарди». Ва ҳеч қанча вақт ўтмай, аразчи куёв худди онаси бағрида ўтирган эрка ўғилдай яйраб мастава ичаётган бўларди.

Бир куни овсини Каримахонга:

— Қизингиз менга хафа бўлиб гапирди. Ойим нуқул эримнинг ёнини оладилар. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини суриштирмайдилар ҳам. Доим мени уришадилар, дейди...

Каримахон ўйланиб турди-да, деди:

— Овсин, бу гапни бир сизга айтаман. Лекин шу ерда кўмилиб қолсин. Мен қизимни ҳам, куёвимни ҳам озми-кўпми биламан. Суриштирмасам ҳам кимдан қандай гап чиқишига ақлим етади. Лекин қизимнинг тарафини олсам куёв: «менинг бегоналигим, ёлғизлигим, етимлигим билинди», демайдими? Кучим ўзимникига етади-да. Кейин она кулиб қўшиб қўйди: — Қизим ҳалиям ёш экан-да, бўлмаса шунга хафа бўлармиди? Бир куни мени тушунади, ўшанда хурсанд бўлади...

ЁПИҒЛИҚ ҚОЗОННИ ОЧМАНГ

Хадича отин ҳали кўришмай туриб қизининг кайфиятини билиб олади. Кенжаси учта болали бўлибди ҳамки, эркалиги бор. Эри билан ораларидан арзимаган гап ўтсаям, кичкина боласини кўтариб кириб келаверади. Шундай пайтда Хадичабону биладики, қизи: «ҳа, нима бўлди? деган гапни кутиб туради. Лекин она буни айтмайди.

— Хўпам келибсизларда, болам. Соғингандик, — дейди Хадичабону. Кейин келинига буюради: — Болам, бугунги овқатингизни тезлаштиринг. Опангиз билан бирга ейлик. Кейин булар кечга қолмай уйларига етиб олишсин.

Шу тақлид она қизининг «шикоят дафтари»ни очдирмайди. Овқатни биргалашиб ейишгач, яна бир косага солиб тугунча қилади-да:

— Тур энди, болам. Эринг ишдан қайтгунича уйингга етиб ол, — дейди.

Эрка қиз чиқиб кетаркан, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолганидан диллар равшан тортади...

Сўнгги сўз ўрнида: Юқорида ёзилганлардан: «қизлар ҳар қандай аҳволга тушганда ҳам ота-она бетараф бўлиб туришлари керак», — деган хулоса чиқмайди, албатта. Мазкур лавҳалар ҳаётда нисбатан кўп учрайдиган ҳолатлар — арзимаган гапсўзлар, воқеаларни чувалаштириб, ёшлар кўнглини, ёш оила турмушини бузмаслик керак, деган маънода ибрат бўлса, ажабмас.

Муҳтарама УЛУҒОВА.

• Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги олдидан

ЗАМОННИ УЙҒОТГАН ЗОТ

Агар Фитрат ижодий фаолияти асримизнинг бошларидан то 30-йиллар ўрталари — қамоққа олингунча узлуксиз давом этганини кўзда тутсак, маънавий мероси тарихига тўқсон йиллар бўлиб қолганини англаб оламиз. Шундай экан, Фитрат ижодининг бугунги ҳаётимиз — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган курашларимизда қандай аҳамияти бор, деган савол туғилади. Айни чоғда маънавий мероснинг қиммати-ю, моҳияти ҳам худди шу нуқтада ўз баҳосини олади. Фитрат, Беҳбудий, Абдулла Қодирий ва уларнинг ҳамфикрлари маънавий мероснинг ҳаммасига хос ягона буюк фазилат ҳам битта: у ҳам бўлса миллий мустақиллик учун кураш ғоялари билан йўғрилганлигидадир.

Фитратнинг бутун ижодий фаолияти қарамликка қарши кураш, миллий мустақилликни қўлга олмай туриб жамиятни ривожлантириб бўлмаслигини туркистонликлар қалбига сингдиришга қаратилганди. XX аср бошларида бутун жадидчилик ҳаракати ҳам худди шу ғоя билан майдонга чиққан энг онгли, тараққийпарвар, янгича фикрлашга қодир аҳоли қатламини эргаштиради. Фитрат ва унинг ҳамфикр замондошлари мазкур ҳаракатнинг етакчилари бўлиб қолдилар. Шундай қилиб, жадидчилик Фитрат, Беҳбудий, Абдулла Қодирийларни уйғотди...

Энди юқоридаги саволга бошқа бир тарафдан туриб жавоб излайлик. Сир эмас, Россияда рўй бераётган воқеалар, тўғриғоғи, зиддиятлар, гуруҳбозликлар, ҳокимият талашиш ҳақида ҳар куни кўриб, эшитиб турибмиз. Бир сўз билан айтганда, буларнинг ҳаммаси ташвишли бўлиб, бирорта онгли шахсни бефарқ қолдираётгани йўқ. Қизил империяни тиклашга уриниш Россия коммунистларининг митингларида сира бўямайнетмай дангал айтиляпти, ҳатто бир амалпараст охирги қони қолгунча коммунистик диктатурани тиклаш учун курашажагини очиқ айтди ҳам. Бу гапларга бирор соғлом фикрли инсон рози бўлармиди?! Халқнинг миллий анъаналари, маънавий меросини оёқ ости қилиш ҳар қандай қулликдан кўра даҳшатлироқ эканини биз энди тушуниб етдик. Фитрат ва унинг ҳамфикрлари ҳали чор Россияси мустамлакачилиги даврида оёқ истиқлол нима-ю, қарамлик нима эканлигини чуқур тушуниб етган эдилар. Чор Россияси босқинчилигининг 1917 йилдан қизил империя ҳукмронлигигача бўлган барча даҳшатини ўз кўзи билан кўриб, бошидан кечирган Фитрат айни октябрь тўнтариши кунларида ёзган шеър, ҳикоя, пьеса, мақолаларида юз йиллардан буён ор-номуси, миллий руҳи, иззат-нафси оёқ ости қилиниб келинаётган халқимизни ўз ғурури, эркини ҳимоя қилмоққа чорлади.

Буюк бобомиз Амир Темур давридаги қудратли Турон давлати даражасидаги ижтимоий тузумни кўкларга кўтаради. Туркнинг Амир Темур давридаги оламшумул шаънини тиклашга даъват қилди. Бунинг учун буюк Амир Темур руҳидан мадад сўради... Шу мавзуда 1917 — 1920 йилларда «Шарқ», «Шоир», «Миррих юлдузига» каби шеърлари, «Раҳбари нажот», «Сайҳа», «Ҳинд сайёҳи» ва «Юрт қайғуси» туркумидаги қатор публицистик мақолалар яратиб, уларда миллий истиқлол ғояларини ёниб тарғиб этди, босқинчиларга қарши кескин курашга даъват этади. Фитратнинг «Темур сағанаси» асарида, «Темур олдида», «Бир ўзбек йигити тилидан» сингари мақолаларида мустамлакачиликка тушиб қолишу, ундан қутилиш йўлларигача очиқ баён қилинади. Бу асарларида қайси бир юрт нобоп шахс қўлига тушиб қолса, халқи ўзаро аҳил ва тотувликка эришолмаса, бошқаларга ем бўлиши муқаррар деган ғоя бўртиб туради. Босқинчиликка олиб борадиган йўллардан яна бири халқ орасидаги манфаатпарастлик сотқинлари эл-юртига хиёнат қилиб, босқинчидан моддий бойлик таъма қиладиган пасткашлар йўлидир деган мазмунни очиқ баён қилади. Зеро, босқинчи аввало ўз армияси куч-қудратига ишонса, босиб оладиган юртдаги сотқинларга нинг кейинги қисмидаги бир нуқтага алоҳида эътибор бериб, уларнинг бугунги моҳияти ҳақида фикр юритинг: «Сенинг кучинг билан дунё хўжаси бўлган Турк қарлуқ темурларига кирди. Ҳоқоним! Турклик шарафи таланди. Турк учун қўйдиғик давлат битди... Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёғлари остинда қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди. Туркнинг белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлкасига кетди...»

Энди сиз мазкур сатрларни ҳам таянади-да. Биз Фитратнинг Амир Темур руҳига мурожаатида шундай сатрларни ўқийсиз: «... Улуғ Ҳоқоним! Турклик шарафи таланди. Турк учун қўйдиғик давлат битди... Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёғлари остинда қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди. Туркнинг белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлкасига кетди...»

Фитрат орзу қилган Турон бугун ёлғиз эмас, дунёдаги ҳамма давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Туркия билан абадий дўстлик ҳақидаги битим — бунинг энг юксак тимсоли бўлиб турибди. Зеро, Фитрат дунёқарашининг энг илғор ва онгли шаклланишида Камол Ота Турк бошчилигидаги Турк истиқлолининг дастлабки йилларида Истанбул Дорилфунунида рўй бергани — бугун алоҳида рамзий маъно касб этади.

Фитрат октябрь тўнтаришидан анча олдин ёзган «Ҳинд сайёҳи» асарида Амир Темур вафотидан кейин майда хонликларга бўлиниб кетган Марказий Осиёдаги биқиқлик, қолоқлик, жаҳолат, хурофотчилик ўлкани орқага тортиши билан бирга бошқаларга ем бўлишига ҳам сурғаб келганини оғир дард ва изтироб билан таъкидлайди. Эл-юртда аҳиллик, ҳалоллик билан яшашни тарғиб этган шариат қоидаларини ҳаммага тушунарли йўсинда ифодалаб беради... «Бизнинг шароитимиз, деб уқтиради бир порахўр қози ишларидан куйган муаллиф, барча мусулмонларни бир-бирига биродар этиб, бир мусулмон молини иккинчи мусулмон ноҳақ олишни ҳаром деб билади. Сиз жаноблари бир мусулмон пулини зўрлик билан олдингиз, буни мен ҳам ўз кўзим билан кўрдим. Энди эса уни менга ҳам бермоқдасиз. Мен сизнинг бу гуноҳингизга шерик бўлишни истамайман. Шунинг учун ҳам менинг бу пулни олишим мумкин эмас...»

«Ҳинд сайёҳи»нинг бутун ғоявий мундарижаси — хонликлар даврида қолоқликка юз тутган ўлкани дунёда энг ривожланган давлатлар қаторига чиқаришдек олий мақсадга қаратилган. Бунинг учун эса хилма-хил жанрдаги асарлари билан Турон эли халқ оммаси онгини уйғотишга интилади. Қарамлик, қулликдан келадиган фожиаларни очиб ташлайди, миллий истиқлолга курашмай туриб эришиб бўлмаслигини, унга эришмай туриб тараққиётга етиб бўлмаслигини жуда чуқур илмий, фалсафий мушоҳадаларни аксар адабий шаклларда ифода этади. Шунингдек, Фитрат Шарқ халқлари ҳаёти, тили, тарихи, адабиёти анъаналарини яхши билар ва шу билан бирга XX аср Ғарб дунёсида рўй бераётган янгиликлардан ҳам хабардор эди. Бундай қомусий маълумот унга воқеаларни жаҳон миқёсида тафаккур этиш, таҳлил қилиш имкониятини беради. Бундай дунёқараш Фитратнинг «Бедил», «Форс шоири — Умар Хайём», «Ҳинд ихтилочилари» каби қатор асарларида шундай гўзал ва чуқур билимдонлик билан ифодаланадики, бу асарларни заррача имон-инсофли, қалбида ўз эл-юртига муҳаббати бор шахс ларзага келмасдан ўқий олмайди.

Фитрат ўлкамизга четдан бостириб келганлар эл-юрт бошига не-не фожиаларни солганлари ҳақида кўп ёзган. Шулардан бири «Шарқ» шеърида тасвирланган айрим даҳшатли манзараларни эслайлик:

Куш боқиши қарангиз,
Бунда букун нелар бор:
Ўтлар аро ёниб турган
қишлоқлар,
Хирмон бўлиб
ётган гавдалар жонсиз.
Оқмоқдадир қизил
қондан ариқлар,
Тинч турганлар
таландилар омонсиз.
Тўрт-беш яшардир бир
боланинг бошини
Боқинг, кескин қилич
билан кесмишлар.
Йиғлаб турган
онасининг бўйнига
Бир ип билан
осмишлар!..

Бу шеърдаги даҳшатдан фарёдга келган шоир — «Миррих юлдузига» хитоб қилиб, у ерда балки бундай адолатсизликлар йўқдир деган ғояни олға суради. Эътибор қилсак, мазкур асарларнинг бирида XX асрнинг ўнинчи йилларида, бошқалари октябрь тўнтариши кунларида, яна айримлари эса 1919 ва 1920 йиллар давомида дунёга келган. Бинобарин ҳаммасида ягона бир улуғ ғоя — миллий мустақиллик учун курашдек олий мақсад — Фитрат ижодию, бутун ҳаётий фаолиятининг юксак нуқтаси бўлиб чиқади. Муаллиф мазкур ғоявий мақсадини чуқур ва кенг кўламда ифодалаш учун иккита катта саҳна асарини яратади. Улардан бири «Чин севиш», иккинчиси «Ҳинд ихтилочилари» пьесаларидир. Бу асарлар ҳақида айримлар илгари Шарқни Ғарбга қарши қўйиш дейишди. Кейин эса Фитратни Ҳиндистон ҳаёти алоҳида қизиқтириб қолди ёки Ҳиндистон миллий истиқлолининг Фитратга нима кераги бор экан, у ўрисларнинг Ўрта Осиёга бостириб келишига рамзий қаршилик деб баҳолашди. Аввало, буларнинг бирортасига ҳам қўшилиш қийин. Чунки қомусий олимлар дунёқараши худди дунёнинг ўзи каби чексиз, чегарасиз бўлади. Фитрат шундай буюклар сирасидан бўлиб, қайси давлат қайси давлатни босиб олишга қараб эмас, умуман, босқинчилик, қарамлик, қулликни жаҳон миқёсидаги барча халқлар, миллатлар, мамлакатлар миқёсида қоралайди. Шу йўсинда миллий мустақиллик ғояларини тинимсиз тарғиб қилади.

Аҳмад АЛИЕВ.

ВАЗИРЛАР КЕЛИШИБ ОЛИШАДИ

Исроил ҳукумати Бош вазири Беньямин Нетаньяху ташқи ишлар вазири билан учрашишини маълум қилди.

Учрашув чоғида ташқи ишлар сиёсатини ким назорат қилиши ҳақидаги масалада ҳам бир битимга келишилиши назарда тутилгандир.

МУҲОЖИРЛАР ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШГАНДИ

Франция ҳукумати июнь ойининг бошларида Париж черковидаги воқеага алоқадор бўлган 300 нафар африкалик муҳожирларга нисбатан қатъий муносабат билдириб ўтганди.

Ҳукумат раҳбарларининг бу талабига нисбатан муҳожирлардан 10 нафари 45 кундирки очлик эълон қилди.

Якшанба кунги ахборотлардан маълум бўлишича, Франция ҳукумати ўз қарорини ўзгартиргани йўқ. Африкалик муҳожирларнинг очлик эълон қилиши ҳам вазиятга ўзгартириш киритмади.

ИРЛАНДИЯЛИК ҚОЧОҚ

Лондон ахборот агентлигининг маълум қилишича, 1983 йилда Шимолий Ирландиядаги қамоқхоналардан биридан қочган маҳбус ҳозирда давлатлараро «қочиб» юрибди.

Шунингдек, қочоқнинг Англияда ҳам асоссиз равишда сафарда бўлганлиги қайд этиб ўтилгандир.

Ирландиялик қочоқнинг навбатдаги «сафари» эса Қўшма Штатларда бўлишини ҳам хабар қилишган. Бу эса давлат хавфсизлигига путур етказиши мумкинлиги уқдириб кўрсатилди.

МАНДЕЛА САЙЛОВЧИ АХТАРМАЙДИ

Жанубий Африка Президенти Нельсон Манделанинг расмий равишда эълон қилишича, унинг партияси бўлажак 1999 йилда бўладиган сайловда «сайловчи» қидирмайди.

Манделла бу ҳақда якшанба куни Африка Миллий Конгрессида алоҳида таъкидлаб айтди.

Аломат гаплар

ДОР УСТИДАГИ ДИНИЙ МАРОСИМ

Канн шаҳрида ғалати диний маросим бўлди. Генри Решатин Европада довруғи кетган дорбоз. Дорбоз маҳаллий руҳонийдан невараси Марианони еттинчи осмонда чўқинтиришни сўради. Болакайга бу бироз қўрқинчли, албатта. У эмас, унча-мунча катталарнинг ҳам юраги орқасига тортади-да. Болакай 150 метр баландликда, махсус стулча-ўриндиқда ўтирсаям лаблари пир-пир учиб тезроқ тушишни истарди.

Генри Решатин хонадони учун бу унчалик ажабланарли эмас. Чунки Марианонинг онасини ҳам кекса дорбоз шундай диний маросимда чўқинтирганди.

Ваҳоланки, қизиям отасидек ном чиқарган дорбоз бўлиб етишдида. Ҳозир ҳам оилавий аттракцион ўйинларида дор устида зир югуради.

Машҳур дорбознинг бу ўзига хос диний маросимида рамзий маъно бор. «Дорбозлик унинг руҳига шу тариқа сингиб кетади-да...» дейди Генри Решатин. Балки қария ҳақдир. Вақти келиб жажжи Мариано ҳам дор ўйнар.

Миш-миш эмас

ДОН ЖУАННИНГ 23 ҚАЙЛИҒИ

Корфу полициячилари анчадан буён Никас Педикисни зимдан «кузатиб» юришарди. «Кузатиш» бефойда—Никас Дон Жуан. Лекин хонимларга «ёқиш» жиноятми? Ҳечам. Шунданам полиция «жим» юришга мажбур бўлувди.

Никас йилига бир неча марталаб Америкага боради. Греция ва Америка орасида бўзчининг мокисидек қатнагани-қатнаган. Хотин олаверади, қўяверади... Бу унинг шахсий иши. Полицияни шубҳалантирган бу эмас. У бекорга бормаган. 23 марта америкалик оқсуяк аёлларга уйланиб қайтган. Ҳечам хонимларни ранжитмаган, «ташлаб» кетмаган. «Хотин»ларини бажонидил Грециягa олиб қайтган. Лекин ҳамма америкалик хотинлари уни бир ҳафтадаёқ «ташлаб» қочиб кетган.

Дон Жуан эса яна Америкадан янги «қайлиқ» топиш тараддудига тушаркан.

—Олти йил ичида 23 нафар аёл беном-нишон йўқолди,—дейди америкалик маҳаллий полиция терговчиларидан бири.—Қизиғи, Никас фақат гўзал, сарвқомат аёлларга «ошиқ» бўларди. Қоидасини, кифтини келтириб, уйланиб, юртига қизларимизни олиб кетарди. Вассалом! Бошқа қиз ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Гўё қизлар «сувга чўккан» тошдек...

Кўза кунда эмас, кунида синади. Никаснинг ҳам «кўза»си синиб қолди. У навбатдаги қайлиғини Янги Орлеан штатидан танлади. Гўзал Линда Крелли ҳам «қармоққа» лаққа балиқдек илина қолди. Лекин дугонасига куёв унчалик ёқмади, ишонқирамади. Қизлар «тил» бириктиришди. Никасни тумшуғидан илинтиришди. Келин—Линда йўқолиш олдидан дугонасига хабар қилишга улгурди.

Мутахассисларнинг (шунақа мутахассислик ҳам бор экан!) айтишича, оқсуяк америкалик хонимлар Эронда «қимматбаҳо мол», «шахсий канизак» саналаркан.

Канизакфуруш Никаснинг бу галги «мол»и бехосият чиқди. Никас шу тариқа ҳамма «хотин»ларини эронлик нефтчи «босс»ларга сотиб юборди.

Линда Крелли хоним «қиз ўғирлаш»га чек қўймаса, Никас навбатдаги штатга «мол» учун отланиб кетаётган бўлармиди...

ҲУКУМАТ НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

● **ПЕКИН.** Хитой ҳукумати «Ясукуни» мақбарасини зиёрат этган японияли раҳбар ходимлар ҳаракатини кескин қоралаб, норозилик билдирди. Мазкур мақбарага халқаро ҳарбий трибунал қарори билан ўлим жазосига ҳукм қилинган японияли ҳарбий жиноятчиларнинг жасадлари қўйилган.

ХХР ташқи ишлар вазирлиги вакили Шэн Гофаннинг таъкидлашича, японияли раҳбар ходимларнинг бундай хатти-ҳаракати Иккинчи жаҳон уруши йилларида япон босқинчилари туфайли кўплаб азиз-иноятлар чеккан Хитой халқининг ярасини янгилаган.

СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАДИ

● **СЕУЛ.** КХДР қуролли кучлари сафида хизмат қилаётган 23 ёшли сержант Сил Чан Чол Жанубий Корея ҳудудига қочиб ўтиб, сиёсий бошпана сўради.

Сил Чан Чол Жанубий Корея ҳукумати вакилларига қилган мурожаатида ўз ватанида юзага келган очарчиликка ортиқ чидай олмаслиги туфайли мазкур ишга қўл урганини айтди. Шимолий Кореяда унинг отаси ва икки укаси қолган.

Оғир кунларни бошдан кечираётган КХДРдан Жанубий Кореяга қочиб ўтганларнинг сони 30 нафарга етди. Ўтган йилги ёғингарчиликлар Шимолий Корея қишлоқ хўжалигига катта зиён етказган эди. Шу йилнинг июль ойидаги сув тошқинлари эса аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни янада қийинлаштириб юборди.

КОМИССИЯ ТАШКИЛ ЭТИШМОҚЧИ

● **ХОНҚАЛЪА.** Россия хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебедь ҳамда Чечен сепаратистлари раҳбари Зелимхон Яндарбиев ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. А. Лебедь ва З. Яндарбиев икки томонлама ўт очмаслик шартлари бажарилишини назорат қилувчи комиссия ташкил этилишини эълон қилди. Мазкур комиссия узлуксиз ишлаб туради.

Шунингдек, А. Лебедь ҳамда З. Яндарбиев назорат кенгаши ташкил қилиш юзасидан ҳам келишиб олдилар. Унга Доғистон, Ингушетия ва Қабардин-Балқариянинг хавфсизлик кенгаши котиблари киритилади.

ШУБҲА ОСТИДАГИЛАР СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА

● **АР-РИЁД.** Саудия Арабистонида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари базасида қўпорувчилик уюштиришда шубҳа остига олинган уч киши сўроқ қилинмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, уларнинг бири қийноқларга дош бера олмай, айбини бўйнига олган.

Маълумки, Саудия Арабистонининг Дахран шаҳри яқинидаги АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари базасида содир этилган портлаш натижасида 19 киши ҳалок бўлган эди. Эндиликда сўроқ қилинаётганларнинг айби исботланса, улар ўлимга ҳукм қилинади, АҚШ ҳукумати эса қўпорувчилар ким томонидан ёлланганини бу сафар ҳам аниқлай олмайди.

Тақдири азалмикин...

«САМАРҚАНДНИ ЭШИТГАНМАН, ТЕМУРНИ ЎҚИГАНМАН...»

Миллиардер ҳалокатга учради.

Майкл Рамер мурувватли инсон эди...

Одатда инсон оламдан ўтгач марҳум ҳақида «яхши одам эди» деб эсланади. Ҳатто у ҳаётда бирор яхши ном, сезиларли из қолдирмасаям. Майкл Рамер эса наинки америкаликлар, балки кўплаб дунё халқлари наздида тириклигидаям «мурувватли миллиардер», «саховатпеша одам», «сахий нефтчи» деган ном қозонганди. Уни ҳамма халқлар шундай, турлича айтишарди. Америкалик нефтчи-бизнесменни наинки киборлар жамияти, балки оддий қашшоқ одамлар ҳам эъзозлар, яратгандан унга умр тиларди. Бунинг боиси, бор, албатта.

Жаноб Майкл Рамерни Америка, Европа, Африка, дунёдаги сиёсатдонлар, бадавлат савдогарлар «нефтчи миллиардер» деб тан беришган. Бундай поғонага кўтарилиш унга осон кечганмас. Жаҳонда бундай бойлар кўп, араб дунёсида эса нефть саноати пирларининг саноғи йўқ.

Назаримда Майкл Рамернинг уларга бироз ўхшамайдиганроқ томониям бор эди. Баъзилар айнан шу фарқни «қусури»ям дейишганди ўз вақтида. «Қусур» дейишларича бор, у бундан 4-5 йилча олдин маблағининг бир қисмини бева-бечораларга улашмоқчи эканлигини матбуот орқали эълон қилди. Кимдир маъқуллади, кимдир «миллиардерларнинг бирор қусури борки, шундай қиляпти» дегувчиларам топилувди. Аслида мурувватнинг нимаси қусур. Бундай савобни нафақат олқишлаш керак.

Умумбашарий тушунчалар борки, у бирор халқ ёки элатга хосмас. Мурувват, шафқат. Ҳатто қайсидир нуфузли матбуотда «қусури»ни бўрттириб, «машҳур бўлишнинг йўли» деб ҳам ёзишгандаям, таъна тошини отишди. Гап ундамас. Қайси мақсадда бўлсаям, муҳими ночорларга аҳамият кўрсатишда.

Ҳаётнинг қалтис ҳазиллари кўп. Аччиқ қисмати рўё. Майкл оғир бедаво дардга йўлиқди. Жигар раки! Дард, ўлим олдида шоҳу, гадо баробар. Шахсий врачининг хулосаси шу бўлди: олти-етти ойча умри қолди! У эндигина 43 баҳорни қаршилагандi. Бир йигит ёши, қирчиллама ёши. Бошқаларни билмадим-у, лекин мен жаноб Рамернинг ўлимни бўйнига олиб қабул қилган қароридан ҳаяжонландим, ҳайратландим.

Жаҳон матбуотида бу ҳақда бундан 3-4 ой олдин ўқиганимда ғалати туюлди аввалига. Чуқурроқ ўйласам мен ҳам бошқалардек ўйлабман — «қусури» деб.

Нефтчи бойвучча 2 миллиард доллар шахсий маблағини дунё бўйлаб сафарга чиқиб, ночорларга улашмоқчи бўлди. Менга тааччубланарлиси у умрининг охирги дамларини сафарда ўтказмоқчи бўлгани. У биладику, бу «сўнгги сафари!» Ҳар ким ҳам бунга ўзида журъат тополмайдида.

Ҳаёт ширин. Сўнгги дамлари... сўз ожиз. Шунинг учун ҳам унинг журъатидан ҳайратландимда. У Американинг 50 штатида бўлишни ўйловди, афсус 38 штатни «сўнгги бор кўролди, холос. Алабама, Аляска, Аризон, Арканзас, Калифорния, Колорадо... У ҳамюртларига 1 миллиард 27,3 миллион доллар «улашди». Ҳатто кўчада дуч келган одамларга пул сочаётганини шов-шувга ўч матбуот бот-бот ёритиб турди.

Шу йил июнь ойида Майкл Рамер МДҲ давлатларига, Ўзбекистондаям бўлишини айтганди. Бизнинг халққа аслида бундай «ташриф»нинг ҳожатиям йўқ. Лекин унинг «Самарқанд ҳақида эшитганман... Темур ҳақида ўқиганман...» дегани юракка илиқ текканди. Рост-да, авлодингни, юртингни олис Америкада, дунёда билишса, алоҳида ҳурмат билан айтишса гурурланмай бўладими?!

Афсус яшашга шошилган, эзгулик, мурувват улашишга интилган одам... Охирги кўнглидаги истакларига эришолмай оламдан ўтди. Чунки жаноб Рамерга Мехикодаги болалар касалхонасидаги оғир иқтисодий аҳвол ҳақида хабар қилишди. Дарҳол отланди. Мехикодаги хусусий аэродромга кўниш чоғи бортда кучли ёнғин чиқди. Портлаш рўй берди...

Жаноб Рамернинг ўлими жаҳон матбуотида қайта-қайта ёзилди. Бу воқеа шу йил май ойининг охирида рўй берди. Миллионлаб одамлар бундан жунбушга келди. Кузаттансиз, «Спутник» орқали бериладиган телекўрсатувлардан бирида 10 яшарлик қизалоқни кўрсатишди: «Майкл Рамер ўлди. Мен унинг қабрига шу гулларни қўймоқчийдим...» деди. Сўнгра: «У яхши одам эди-ку, ойим айтувди, яхши одам ҳам ўладими?» деб йиғлаб юборди ғудак.

Ҳа, қизалоқ, яхши-ю ёмонга ўлчаб берилган ризқ, тугал муддат берилган. Инсоннинг руҳий олами қизиқ. Дейройт штатида яшовчи Ида Грей марҳумдан «ёрдам» олганлардан. Мудҳиш хабарни эшитган заҳоти у сўнгги пулларига билет олиб, Мехикога учиб келди. «Мурувватли қалб эгасининг руҳи билан видолашмоқчиман! У шунга, бундан ортиққа лойиқ эди!» Инсоний бурч шу бўлса керак асли!

Майкл Рамернинг руҳини ёдлаб миллионлаб жаҳон халқлари Америка матбуотига мурожаат этяпти. У умрининг сўнгги дамларигача мурувват улашишга шошилди. Балки бу туйғу унинг кўнглида «бедаво» дардни пайқаган куни пайдо бўлгандир. Эҳтимол, шу тариқа яшашга ташна қалбига таскин топгандир.

Халқимизда бир бечоранинг мушкулини осон қилиш ҳаж сафаридек савобга сазовор дейилади. Зеро, мурувват на дин, на мазҳабга боғлиқ. Курраи заминнинг ҳар бурчагида бор бундай мурувватли инсонлар. Ҳар ерда бор ёвузлик.

Зотан, халқимизда мурувватли кишиларни алоҳида иззатлайдилар. Бундайлар оламдан ўтгач ҳам «жаннати одам эди» деб хотирот қиладилар...

Санда.

Аламимни китобдан оламан.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

JEDCO

ИОРДАНИЯ САНОАТ КЎРГАЗМАСИ -

ИОРДАНИЯГА САВДО ЙЎЛИДИР

Иорданиянинг асосий саноат компаниялари иштирокидаги биринчи иордан саноат кўргазмасига

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

1996 йил 25 августдан 31 августгача
Иордания саноатининг аъло сифатли товарлар саноат кўргазмасига сизни чорлайди.

Манзил: Хадра майдони, теннис кортлари зали (Цирк ёнида).

«НАВРЎЗ»ДА ОЛИМПИАДА НАФАСИ

Пойтахтимиздаги кўркам «Наврўз» кошонаси гавжумлашди. Бу ерга юртимиз шарафи учун Атланта олимпиадасида курашган Ватан ўғилқизлари тўпландилар. Олимпиадачиларни шарафлаш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев очиқ деб эълон қилди. Юртбошимизнинг бир гуруҳ спортчилар ва мураббийларини орден, медаль ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланганлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ўқиб эшиттирди. Бундай ғамхўрлик ва эътибордан беҳад қувонган спортчилар номидан Карим Тўлаганов, Армен Бағдасаров ва Дилшод Ёрбековлар дил сўзларини изҳор қилиб, Ватан довруғини оширишга ҳамиша камарбаста эканликларини изҳор этдилар. Шарафлаш маросими ўзига хос байрамга айланди. Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

Спорт

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Бугун олий лига футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг 18-тур ўйинларини ўтказадилар. 17-тур натижалари эса пешқадамлар мавқеини мустаҳкамлади. Гарчанд, «Наврўз» — «Навбаҳор» ўйини кечиктирилган бўлсада, наманганликлар 44 та очко билан биринчи бўлиб туришибди. «Нефтчи» футболчилари кеча «Машъал» майдонида куч синашдилар. Фарғоналиклар ҳисобида 36 та очко бор. МҲСК футболчилари «Атласчи» жамоасини енгиб (4:0), очколарини 36 тага етказишди. Биринчи лига жамоалари ҳам иккинчи давра ўйинларини бошлашди. Юқори ўринларни эгаллаб турган жамоалар ғалабага эришиб, мавқеларини яхшилашди. Хусусан, «Чилонзор» ҳисобида 65 та, «Зарафшон»да 63 та очко бор. «Металлург», «Темирйўлчи» ва «Прогресс» футболчилари 53 тадан очко тўпладилар.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ДАРСЛИКЛАР ЧОП ЭТИЛЯПТИ. ЛЕКИН...

Нукусда ўрта мактаблар учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буюртмаси билан 5-, 8-, 9-синфлар учун «Ўзбекистон тарихи», 8-, 9-синфлар учун «Қорақалпоғистон тарихи», 6-, 7-синфлар учун «Жаҳон тарихи», 9-, 10-синфлар учун «Қорақалпоқ адабиёти», «Эски қорақалпоқ ёзуви» сингари 16 номдаги 237,5 минг дона дарслик чоп этилди. Янги ўқув йилидан қорақалпоқ мактабларининг биринчи синф ўқувчилари лотин графикасига асосланган дарсликларга ўтади. Шу муносабат билан болалар боғчалари тарбиячилари, бошланғич синф ўқитувчилари учун «Лотин ёзувидаги Қорақалпоқ алифбеси», «Лотинча Қорақалпоқ алифбоси» китоблари ҳам нашрдан чиқди.

Бу ишларни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси «Билим» нашриёти жамоаси фаол иш олиб бормоқда. Шунингдек, қорақалпоқ мактабларининг биринчи синфлари учун ўнта дарслик, йигирмата ўқув методик адабиёт, кўргазмали қурол чиқариш режалаштирилган. Шу кунга келиб мактаб дастурлари «Алифбо» дарслиги учун икки ёзув дафтари, «Чиройли ёзув», «Ҳаракатли ўйинлар ўқув қуроллари чоп этилди. «Математика», «Алифбо», «Синфдан ташқари ўқув китоби» дарсликлари, «Суратли алифбо», «Ҳарф ва бўғин кассалари», ўқув қуроллари, математика ва музика фанларидан кўргазмали қуроллар Нукус полиграф комбинатида чоп этиляпти.

—Режалаштирилган дарсликларни, кўргазмали қуроллар ва ўқув методик адабиётларни биринчи сентябргача мактабларга етказиб бериш устида иш олиб борямиз,—деди суҳбат чоғида «Билим» нашриёти директори Пардабой Ёсбўсинов.—Бироқ ишимизда қийинчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Маблағ етишмаяпти. Қоғоз билан таъминлайдиган идоралардан, Нукус полиграф комбинатидан қарзимиз кўп. Тайёр дарсликларни, кўргазмали қуроллар ва ўқув методик адабиётларни олиш учун республика Халқ таълими вазирлиги пул ўтказмаяпти. Бу жиддий масалани ижобий ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Молия вазирлиги амалий ёрдам кўрсатса деймиз. Маблағдан ёрдам бўлмаса ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш муаммо бўлиб қолаверади.

Яна бир муҳим муаммо. Мактаб ўқувчиларига дарсликлар етишмайди деган гапни кўп эшитамиз. Тўғри, етишмайди. «Билим» нашриёти дарсликлар нусхасини республика Халқ таълими вазирлигининг махсус буюртмаси билан чиқаради. Бошқа узилишлар дарсликларни шаҳар ва туманларга, мактабларга тақсимлаб бериш, китоб савдоси идораларидан жойларга жўнатиш пайтида содир бўлиши мумкин. Дарсликларнинг мактаб ўқувчиларига тўкис етиб боришини таъминлаш жамоатчиликнинг эътиборида бўлиши керак.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1. ЁВВОЙИ БОЛАЛАР

Ўқиш, кузак!

ЁКИ ЖАМИЯТДАН АЙРИ ЯШАГАН БОЛАЛАР ТАҚДИРИ ҲАҚИДА

ШАХСНИНГ инсон бўлиб етишгани учун жамиятдан бир умр миннатдор яшаши керак, дейди файласуфлар. Дарҳақиқат, шахсни жамият тарбиялайди. Жамиятнинг шундай қонуниятлари борки, у шахсни инсоний камолот сари бошлайди. Фақат бу қонуниятларни инсоннинг ўзи ўзи учун тузганлигини унутмаслик даркор. Зеро, шу мезоний нуқталарга интилиб яшаш, онгли ҳаёт жабҳасида бошқа жонзотлардан улуғ ва буюклигимизни белгилайди.

Бу ҳақда ҳатто Қадимги Юнонистоннинг машҳур материалисти, атомистик назария асосчиларидан ҳисобланмиш Демокрит ҳам ўзининг афоризмларида юксак ахлоқий сифатларга эга бўлишни, тарбияни, меҳнат қилишни, жасоратли, вафодор, ақли ўткир ва зийрак дўст-биродар орттиришни инсон учун бахтиёр ҳаёт кечиришнинг асосидир, деб таъкидлайди.

Биз қуйида инсон ва жамият тўғрисида фалсафа сўқмоқчи эмасмиз, фақат инсон жамиятдан айрилса, ҳоли не кечиши борасида ҳаётий омиллар ила бироз, куч етганча фикр юритмоқчимиз, холос.

МАЪЛУМКИ, бу кўҳна дунё ганжида шахснинг жамиятдан айри ҳолда яшаганлиги тўғрисидаги воқеа-ҳодисотлар «қалашиб ётибди». Масалан, 1920 йили Ҳиндистоннинг Миднапор деган жойида кишилар ҳайвонсифат одам болаларини учратишган. Булар икки қизалоқ бўлиб, бири 2 ёш, иккинчиси эса 8 ёшда бўлган. Улар бўри болалари билан бирга бўри инида яшашган. Қизалоқлар кишилик жамиятидан қачон ажралгани номаълум, лекин шу нарса аёнки, улар тўрт оёқлаб юришар ва умуман гапиролмасди. Хўш, улар жамиятга қайтарилгач, нима рўй берди? Даҳшат! Кичиги бир йилдан сўнг ўлиб қолди, каттаси эса одамлар орасида атиги 9 йил яшади, холос. Шу давр мобайнида икки оёқлаб туришни ва атиги бир неча сўз айтишни зўрга ўрганди.

Ёки 1923 йили Ҳиндистоннинг Ассам штатида ушланган «қоплон бола»ни эслаб ўтайлик. Қизиғи шундаки, бу «қоплон бола»нинг ота-онаси ҳам топилган. Отасининг айтишича, уч йил аввал 2 ёшли ўғлини далада — ухлаб ётган ўрнидан қоплон тишлаб қўтариб кетган. Ота ўғлини тирик кўрмаслигига ишонган. Бироқ воқеа бутунлай ўзгача кечади, яъни болани қоплон ўзига «ўғил» қилиб олади. Лекин гап бунда эмас, балки бола одамлар орасига қайтарилгач, жамиятда тутган ўрнида... Афсуски у ҳам одамлар орасида ўз ўрнини тополмади— уч йилдан сўнгтина икки оёқлаб туришни, ҳом гўшт эмас, пиширилган овқатни идишда ейишни ўрганган ва тартибли, қонун-қоидали бу ҳаётда кўп яшай олмади. Бундай воқеа 1937 йилда ҳам содир бўлган: турк оиласида туғилган, бироқ айиқлар томонидан «ўғирланган» ва 8 йил айиқлар билан яшаган қизалоқ ўша йили айиқчасига ўқириб овчининг устига ташланади. Қиз овчилар томонидан тириклайин ушланади ва руҳий касалхонага ётқизилади. Даволанади. Ва бир неча йилдан сўнггина у ҳам пиширилган овқатни ейишни ўрганади, аммо унга ҳам кишилик жамиятида узоқ яшаш насиб этмади, тўғрироғи, кўниколмади.

Унчалик узоқ тарихда эмас, яқин ўтмишда — 1973 йили Лондонда чиқадиган «Санди таймс» газетасида чоп этилган воқеани ҳам бир кўриб ўтсак. Унда ёзилишича, Сурияннинг инсон қадами етмаган ерларида овчилар оҳуларни овлаётиб, улар орасида ёввойилашган болани учратишади.

«Бола тўрт оёқлаб, оҳулар галаси билан тенгма-тенг — соатига 5-10 мил тезликда чопарди, бундан ташқари оҳулардек ўта сезгир ва ўткир кўз эди... Овчиларнинг бу сирли болани ушлаш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди» деб ёзишганди газетада.

ЭНДИ мушоҳадага ўтсак. Агар кузатган бўлсангиз юқорида санаб ўтилган воқеаларнинг барчасида инсон боласини фақат сут эмизувчилар туркумига кирувчи ҳайвонларгина «боқиб олганини» кўрасиз. Хўш, нега? Буни таъбир жоиз бўлса қуйидагича изоҳлаш мумкиндир балки: сут эмизувчи ҳайвонлар билан инсон ўртасида биологик ўхшашлик бор, яъни сут эмизувчиларнинг скелети одамники билан солиштириб кўрилса, улар тузилишида — бош, тана, оёқ скелетларида умумийлик борлигини кўриш мумкин. Бундаи ташқари одам она қорнида ривожланиши, диафрагма, безлари, уч хил тишлари (жаг, озиқ, қурак тишлар), ўрта қулоқдаги ўнта эшитиш суякчалари ва қулоқ супраси мавжудлиги жиҳатидан ҳам сут эмизувчиларга ўхшайди. Балки шу ўхшашлик туфайли уларни одам боласи ўзига «ром» этар? Балки шунинг учун улар одам боласини асраб олар? Бу ҳали олимлар томонидан ўрганилмаган муаммо.

Лекин шуни айтиб ўтиш жоизки, сут эмизувчи ҳайвонлар билан инсон ўртасида биологик (тирик организмларнинг ҳаёти, ўсиши ва ривожланиш қонуниятлари) умумийлик бор бўлгани билан физиологик (тирик организмда юз бериб турадиган жараёнлар ҳамда унинг ҳаётий функциялари, уларни идора қилувчи қонуниятлар) хусусиятлари айричадир. Бироқ шундай бўлишига қарамай инсон боласи айиқ ёки бўри «қарамоғида» бўлган пайт, уларнинг физиологик хусусиятлари нега болага «юқади-да», бола жамиятга қайтарилгач, инсоннинг физиологик хусусиятларини нега осонлик билан ўзлаштиролмайди? Ахир у инсон боласи эди-ку?!

Олимларнинг аниқлашича, инсон боласининг асосан ақлан шаклланиш даври 7 ёшгача давом этади. Бола айнан шу даврда келажакда қандай киши бўлиб етишишига замин бўладиган бутун ахборотнинг 70 фоизини ўзлаштиради (Ажабланарлиси шундаки, айнан шу ёшгача бўлган болалар ҳайвонлар томонидан «ўғирланиши» кўп бор қайд этилган). Демак, айтиш мумкинки, ҳайвонлар томонидан «ўғирланган» болалар айни шу ёшда ҳайвонларнинг «физиологик тарбияси»ни ўзлаштириб олган ва натижада кейинчалик жамиятга қайтарилган ёввойи болалар ақлий ривожланишда ҳақиқий инсон бўлиб етишолмаган: бир неча йил эмаклаб юрган, гапиришни ўрганолмаган, йиллаб ҳом гўшт ва умуман ҳом-хатала озиқланган. Энг даҳшатлиси, онгли ҳаётга кўникишолмаганидир. Бўри, қоплон, айиқ ва оҳулар мияси билан инсон мияси ўртасида физиологик уйғунликнинг йўқлиги, физиологик кечинмаларнинг айричалиги бунга сабабдир балки? Эътибор берган бўлсангиз бу ҳайвонлар тўдасидан ажратиб олинган болалар кишилик жамиятига қайтарилгач, узоғи билан 9 йил яшаган холос.

ЮҚОРИДА санаб ўтилган ҳайвонларга нисбатан маймунлар тўдасида яшаган болалар кишилик жамиятига қайтарилгач, кўпроқ умр кўрганлиги ҳайратланарли албатта. Масалан, Африкада икки полициячи томонидан ёввойи бола ушланади. У маймунлар билан яшаган. Ўн йил ўшалар нима еса: мева еса — мева, илдиз еса— илдиз, қуш тухумини еса — тухум еб юрган. Маймунлар орасига қандай тушиб қолган буниси номаълум.

Лукас (уни шундай аташган) кейинги ҳаётида 40 йил одамлар орасида яшаган.

Лондонда чиқадиган «Обсервер» газетасининг 1976 йилги иловасида ҳам яна бир «маймун бола»нинг рангли суврати чоп этилган. Жисмонан бақувват бу бола 1973 йили Марказий Африканинг Бурунди деган жойидан топилган. Ўша йили яна шунга ўхшаш бола Шарқий Цейлоннинг чакалакзорларидан ҳам ушланган. Улар ҳам маймунлар билан бирга яшашган, кишилик жамиятига қайтарилгач эса анча йил умр кечиришган.

Қизиқ, юқоридаги воқеаларда болалар одамлар орасида кўп яшай олишмаган, бунда эса... Бунинг сабаби нимада экан? Маймунларнинг одамларга нисбатан ўхшашлигидами? Дарҳақиқат, маймунлар, айниқса, шимпанзе, горилла, орангутан ва гиббонлар тузилиши ва физиологик хусусиятларига кўра, бошқа ҳайвон (бўри, қоплон, айиқ)ларга қараганда одамга яқин туради. Улар севинч-қувонч, қаҳр-газаб, ғамгусса ҳисларини ифода этади, болаларини суйиб эркалайди, уларга ғамхўрлик қилади, гоҳида бўйсунмаганлиги учун жазолайди. Уларнинг хотираси яхши, олий асаб фаолияти юксак даражада ривожланган бўлади. Маймунлар ён-атрофидаги нарсалардан қурол сифатида фойдалана олади. Бунинг устига қўлларига таянган ҳолда орқа оёқлари билан юролади. Балки шу хусусиятлар инсон хусусиятларига яқин бўлгани учун «маймун бола»лар кишилик жамиятида кўпроқ яшай олгандир? Лекин барибир уларда инсоний хислатлар етишмасди, яъни ақл-заковат ўтмаслашган бўйича қолди, бундан ташқари бир умр маймунча одатини — вақтивақти билан маймунчасига қашланиш, бошини силташ одатини ташлай олишмади.

КЕЛТИРИЛГАН мисоллардан кўриниб турибдики, етти ёшгача жамиятда, тўғрироғи, оилада тарбияланмаган боланинг инсонликка қайтиши жуда қийин. Бироқ инсон боласининг мияси бошқа жонзотлар— қоплон, бўри, айиқ, маймун, оҳуларникига қараганда ўта ривожланган мияку, нега улар одамлар орасига қайтгач, ўзининг авлодий хусусиятларини — тик туриб юриш, гапириш, овқатланиш ва ҳоказоларни йиллаб ўрганишди ёки ўрганишолмади? Ваҳоланки, бу давр мобайнида мияси инсон миясидан анча кам ривожланган ҳар қандай ит ўз эгасининг буйруқларини бемалол тушунадиган бўлиб қолади ва одамни ҳайратда қолдиради.

Демак, шу нарса тушунарлики, боланинг жамиятдан ажратилиши — унинг маънан ва жисмонан таназзули экан. Буни юқоридаги воқеалар исботламоқда.

Хўш, инсон шахс бўлиб етишгандан сўнг жамиятдан ажралиб, якка ўзи кимсасиз табиат қўйнида ёки жамиятга қўшилмаган ҳолда уй қамоғида яшаса ҳоли не кечали? Келинг, яхшиси бу ҳақда кейинги сонда тўхталамиз.

Алимқул СУЛТОНОВ.
Журналист.

Шунақасиям бўлади

ЭРИДАН БАЛАНД АЁЛЛАР

Америкалик ўрта бўйли аёллар ҳам эридан баланд саналади. Негаки, мутахассисларнинг фикри шуни тасдиқлаяпти.

Уларнинг айтишича, 1000 нафардан ортиқ жуфтлар сўров қилинганда ғалати кўрсаткични кузатишибди: эркакларнинг ўртача бўйи 170 сантиметр. Хотинларникиси эса улардан 2,5 сантиметрга ортиқча. Бу катта «баландликмасдир».

Демак, америкалик хотинлар эридан бир поғона, ундан ҳам кўп устун экан!

"ОСИЁ-ВОЛГА"
минтақалараро маркази

пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини

УАЗ-31514-032	УАЗ-31512
УАЗ-31514-012	УАЗ-3909
УАЗ-31514-031	УАЗ-3962
УАЗ-31512-027	УАЗ-2206

СОТАДИ.

Ҳақини рус рублида, қозоқ тенгесида ҳам тўлаш мумкин.
Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборхонадан
пул ўтказиш йўли билан
ХОРИЖИЙ АВТОШИНАЛАРНИ:
175/70 R13 ("Жигули", "Москвич" ва ҳ.)
205/70 R14 ("Волга" ва ҳ.)
215/60 R16 ("Нива", джиплар ва ҳ.)
СОТАДИ
Бошқа шаҳарлардан келган харидорларга автошиналарни манзилга етказиб бериш ташкил этилади.
Телефонлар : 68-19-32, 68-28-66.



Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.40

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА